

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5110100 – Математика ва информатика бакалаврият таълим
йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 110000 – Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
1.2.1. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
2.3. Касбий квалификациялар.....	9
3. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2. <i>5110100 - Математика ва информатика</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10
Библиографик маълумотлар.....	12

1. 5110100 - Математика ва информатика бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5110100 - Математика ва информатика** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалаврият таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5110100 - Математика ва информатика – бакалаврият таълим йўналиши- умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалаврият таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари; таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси; лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш; мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёни;

1.2.3. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

педагогик фаолиятида:

таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимни ахборотлантириш жараёнида шакллантириш ва ривожлантириш;

таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш;

таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

2. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

2.2. Касбий компетенциялар:

умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш ва амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

касбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникмасига эга бўлиш;

бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш; алгоритмлар, дастурлаш тиллари ва компьютернинг таъминотидан фойдаланган ҳолда касбий фаолиятларида янги дастурлар яратиш ва амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

ахборот тизимлари ва тармоқ технологияларини англаш ва улардан амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

компьютер графикасида тасвирларни яратиш ва web-дизайн асосларида сайтларни яратишни билиши;

Математик моделларни турли усуллар билан ечиш, компьютерли моделлар ишлаб чиқиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, хиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар тамонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартирилишини ташкил этиш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимларни билиши ва касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;

глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш билиш;

асосий математик билимларни; умумий ўрта мактаб, академик лицейлари математика курси (умумтаълим математикаси) нинг илмий асосларини; ўқувчилар учун математик тўғарак, факультатив курслар, танлов курслари мазмунини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган билимларни; исботлашнинг асосий методларини, асосий математик масалаларни ечиш методларини эгаллайди;

берилган шартларни қаноатлантирувчи математик объектни қуриш; янги услуб ва усулларни яратиш орқали ёки мавжуд усул ва усулларни қайта қуриш орқали тадқиқий математик масалаларни ечиш; янги математик тушунчани киритиш ва уни таърифлашга бўлган талабларга мос (тўлиқлик, зидсизлик) таърифлаш; ўқувчилар учун математик тўғарак, факультатив курслар, танлов курслари мазмунини ишлаб чиқиш; ўқувчилар учун умумтаълим математикаси базасида тадқиқий математик масалани (шакллантириш) қўйиш; номатематик масалаланинг, жараённинг, ҳодисанинг математик моделини қуриш, математик билимларни намоён қилиш, татбиқ этиш, танқидий баҳолаш ва тўлдириб бориш кўникмаларига эга бўлиш;

умумтаълим математикаси бўйича олимпиада ва танлов масалаларини ечиш; математик дастурлар пакетидан фойдаланиб математик масалаларни ечиш; умумтаълим математикаси илмийлиги даражасига ўқув қўлланмаларда баёни асосида асосланган баҳо бериш; умумтаълим математикаси тушунчаларининг ривожланиш тарихини ижтимоий иқтисодий контекстда таҳлил қилишга ва уни касбий фаолиятида фойдаланиш; фанлараро ва амалий йўналтирилган масалаларни маълум базавий математик билимлар ва методлар асосида ечишга тайёр бўлишлик.

2.3. Касбий квалификациялар:

- умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасарида “Математика”, “Алгебра”, “Алгебра ва анализ асослари”, “Геометрия”, “Информатика”, “Ахборот технологиялари” ва математикага оид фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

- умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар, коллежлари, мактабдан ташқари муассасаларида ишлаш;

- таълим тизимида кабинет мудирлари, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

- мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

- аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;

- ишлаб чиқариш соҳаларида, касбий таълим педагогикаси ва технологияси, ўқитишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5110100 - Математика ва информатика бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5110100 - Математика ва информатика бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

5110100 - Математика ва информатика бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- табиий илмий ва гуманитар фанлар;
- умумкасбий фанлар;

- ихтисослик фанлар;

- кўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкмасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 104 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

3.2. 5110100 - Математика ва информатика бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Табиий-илмий ва гуманитар фанлар	1170
1.01.	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.02.	Фалсафа	120
1.03.	Ўзбек (рус) тили	180
1.04.	Хорижий тил	240
1.05.	Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.06.	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	60
1.07.	Ёш физиологияси ва гигиена	60
1.08.	Экология ва табиатни муҳофаза қилиш	60
1.09.	Физика	270
2.00.	Умумқасбий фанлар	3330
2.01.	Умумий психология	180
2.02.	Умумий педагогика	240
2.03.	Математик анализ	540
2.04.	Алгебра ва сонлар назарияси	510
2.05.	Геометрия	450
2.06.	Математика ўқитиш методикаси	330
2.07.	Информатиканинг назарий асослари	120
2.08.	Алгоритмлаш ва дастурлаш	240
2.09.	Компьютер таъминоти	240
2.10.	Тармоқ технологиялар	180
2.11.	Информатика ўқитиш методикаси	180
	<i>Танлов фанлари</i>	120
3.00.	Ихтисослик фанлари	1 530
3.01.	Элементар математика	240
3.02.	Функционал анализ	120
3.03.	Эхтимоллар назарияси ва математик статистика	120
3.04.	Компьютер графикаси ва web-дизайн	180
	<i>Танлов фанлари</i>	870
4.00.	Қўшимча фанлар	450
	ЖАМИ	6 480
	Малакавий амалиёт	720
	Битирув малакавий иши	3360
	Аттестациялар	
	ЖАМИ	720
	ҲАММАСИ	7 200

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Математика, анализ, геометрия, алгебра, сонлар назарияси, информатика, информатика ўқитиш методикаси, компьютер таъминоти, алгоритмлар, компьютер графикаси, таълим йўналиши, касбий фаолият тури, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув режаси ва фан дастурлари, ўқув жараёни, лойиҳа-технологик, педагогик, сервис хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, технологик-ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат педагогика университети



Ректор

А.Умаров

2020 йил «12» 08

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази

Директор

Ш.Саттаров

2020 йил «14» 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни
таъбиқ этиш маркази

Директор

З.Хақимов

2020 йил «14» 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти
Бош бошқармаси бошлиғи

Бошлик






С.Ниязбеков

2020 йил «14» 08

М.Ў.



5110100- Математика ва информатика
бакалаврият таълим йўналишида ишлаб чиқилган
малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳининг келишув варақаси

№	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари	Аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	раис	Н.Х.Раҳманкулова	Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори, п.ф.д., профессор	
2	аъзо	Ғ.Ғ.Джаббаров	Низомий номидаги ТДПУ Физика- математика факультети декани, ф.-м.ф.н., доцент	
3	аъзо	С.Қ.Турсунов	Низомий номидаги ТДПУ Информатика ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири, п.ф.н., доцент	
4	аъзо	А.А.Акмалов	Низомий номидаги ТДПУ Математика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, п.ф.н.	
5	аъзо	М.Э.Нуриллаев	Низомий номидаги ТДПУ Умумий математика кафедраси мудири, PhD	

Ректор





А.Ю.Умаров

Ўқув ишлари бўйича проректор



Н.Х.Раҳманкулова

Ўқув-муъёрий ҳужжатларни
такомиллаштириш бўлим бошлиғи










А.А.Хўжаев

Факультет декани



Ғ.Ғ.Джаббаров

**5110100- Математика ва информатика
бакалаврият таълим йўналишида ишлаб чиқилган
малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи
ишчи гуруҳ таркиби**

Т/Р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1.	А.Ю.Умаров	Раис, ректор	
Аъзолари:			
2.	Ғ.Ғ.Джаббаров	ТДПУ, факультет декани, ф.-м.ф.н., доцент	
3.	С.Қ.Турсунов	ТДПУ, кафедра мудири, п.ф.н., доцент	
4.	А.А.Акмалов	ТДПУ, кафедра мудири, п.ф.н.	
5.	М.Э.Нуриллаев	ТДПУ, кафедра мудири, PhD	
6.	Р.М.Тургунбаев	ТДПУ, профессор, ф.- м.ф.н., доцент	
7.	И.К.Рахимов	ТДПУ, декан муовини, катта ўқитувчи	



Ректор _____

 А.Ю.Умаров

Ўқув ишлари бўйича проректор _____

 Н.Х.Рахманкулова

Декан _____

 Ғ.Ғ.Джаббаров

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг
малака талаблари ва ўқув режаларининг турдош олий таълим муассасалари билан**

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“6” 2020 й.

Қатнашчилар: Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарқанд давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети, Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти ректорлари, ТДПУ Термиз ва Шаҳрисабз филиаллари директорлари, университетнинг таянч кафедралари мудири ва таълим этишганлар.

КҮН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури”да, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокчини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида”ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси.

Сўзга чиқди: Н.Раҳманқулова – маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг юқорисини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган, шунингдек амалдаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-мەъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими томонидан турдош олий таълим муассасалари ҳамда университет кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив

ҳужжатлар ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизими асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

- | | |
|-----------------|---|
| А.Умаров | - Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Н.Раҳманкулова | - Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| А.Акмалов | - Математика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Халилова | - Психология кафедраси мудири; |
| С.Турсунов | - Информатика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Джанписова | - Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Алимкулов | - География ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Абидова | - Логопедия кафедраси мудири; |
| О.Искандаров | - Кинё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| М.Хамедова | - Олигофренопедагогика кафедраси мудири; |
| Ў.Хўжаназов | - Ботаника кафедраси мудири; |
| Д.Давлетов | - Умумий математика кафедраси доценти; |
| Н.Толипов | - Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси катта ўқитувчиси; |
| О.Раҳматуллаева | - Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири ва бошқ. |

Қуй тартибдаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури”да, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокчини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга сиз давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида”ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим вазирликларини экспертизасидан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг тайёрлашда турдош ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш (қелишув) учун Вазирлик ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларини татбиқ этиш марказига топширилсин.

Мажлис раиси

А.Ю.Умаров

Котиб

А.А.Хўжаев



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини
Мувофиқлаштирувчи Кенгаши Педагогика таълим соҳаси бўйича
Ўқув-услубий бирлашмаси йўналишининг 9-сонли

БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Тошкент ш.

-6-08 2020 й.

Қатнашчилар: Бирлашма раиси – А.Ю.Умаров
Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев
Аъзолари: - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 14 нафар

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури”да, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июлдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчи таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувининг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқинишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 29 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида”ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси А.Ю.Умаров:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқинишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартiriш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили I-курсларида таълим жараёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилганлиги, шу жумладан 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Сўзга чиқислар: Жилзах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректорлари, Табиий фанлар таълим шўъбаси раиси К.Сапаров, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим шўъбаси раиси Р.Ҳалилов, Мақтабгача таълим шўъбаси раиси М.Мирсолневалар сўзга чиқиб, 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура

мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори Н.Раҳманкулова:

маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги «2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартiriш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларида таълим соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислоҳотлар тўлалигича ўз аксини топди, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин, - деб фикр билдирди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳалари республикадаги асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашга тақдим этишга тайёр ҳолатга келтирилган.

Қуй тартибдаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакиллари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Тошкент давлат педагогика университетидан ташкил этилган иккунлик ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, ўқитишнинг кредит-модуль тизими бўйича янгидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги «2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги «Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топиригида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари манфаатдор вазирликларда экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (110000-Педагогика таълим соҳасига кадрлар истеъмолчилари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги) томонидан қўйилган умумий малака талаблари, «Келишув баённомалари», «Келишув далолатномалари» билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова қилинади).

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.

4. 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш тавсия этиш учун Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш маҳкамасига тақдим этилсин.

Бирлашма раиси

А.Ю.Умаров

Масъул котиб

А.А.Хўжаев



**«5110100 - Математика ва информатика» бакалавриат таълим
йўналишининг малака талабларига**

ТАҚРИЗ

Ушбу малака талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурий тўғрисида»ги қонунларини бажариш, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш истиқболларига мувофиқ кадрлар буюртмачиларнинг юқори малакали рақобатдош мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш, Олий таълимни ривожлантиришнинг жаҳон тенденциясини таҳлил этиш ва умлаштириш асосида, ўқув – методик ва меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш мақсадида тузилган.

Низомий номидаги ТДПУнинг Информатика ўқитиш методикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан «5110100 - Математика ва информатика» бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режаси ишлаб чиқилган, у ўз ичига қуйидаги блокларни олган:


1. Бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи:
 - қўлланиш соҳаси;
 - таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи;
2. 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:
 - Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
 - 5110100 - Математика ва информатика таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари;
3. 5110100 - Математика ва информатика бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар
 - ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
 - 5110100 - Математика ва информатика бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми;

Блокларда олдинги малака талабларига қараганда сезиларли даражада ўзгартиришлар киритилган умуммутахассислик ва ихтисослик фанлари замон талабидан келиб чиққан ҳолда танланган ва уларга ажратилган соатлар ҳажми ҳам етарли.

Бакалавриат йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талабларнинг фанлар блоки бўйича талаблар ва мутахассислик фанлари блокларининг зарурий мазмуни жиҳатидан жаҳон андозаларига мос равишда аниқланган, таълимда педагогик ва ахборот технологиялари воситаларини жорий этишга мўлжалланган.

Тақриз этилаётган «5110100 - Математика ва информатика» бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ҳар томонлама пухта тайёрланган бўлиб, у бакалавриат таълим йўналиши Низоми талабларига ҳамда жаҳон андозаларига мос келади. Уни бакалавр йўналишининг малака талаблари сифатида қабул қилиш мумкин.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети
Информатика асослари
кафедраси мудири



Б.Б.Мўминов

**5110100-МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА БАКАЛАВРИАТ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНING МАЛАКА ТАЛАБЛАРИГА**

ТАҚРИЗ

